

АЙЁРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЯПОН ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ

ҚОСИМОВА ГУЛНОРА

Магистратура талабаси, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада айёрлар тўғрисидаги япон халқ эртаклари конструктив жиҳатдан кўриб чиқилган. Муаллиф, япон эртакларининг бевосита таҳлили орқали, япон фольклорининг ўзигагина хос хусусиятларидан ташиқари, бошқа халқлар фольклорида мавжуд типологик жиҳатдан умумий сюжетларни ҳам мужжассамлаштирганганини кўрсатиб беради.

Таянч сўз ва иборалар: япон фольклори, эртаклар, айёрлар тўғрисидаги халқ эртаклари, япон тончибанаши эртаклари, ҳайвонларнинг беллашуви ҳақидаги эртаклар, В. Я. Пропп методи, “Бурга ва бит” япон эртаги, “Бўрсиқ ва шиллиқ қурт” япон эртаги.

Аннотация. В данной статье рассматриваются японские народные сказки о хитрецах с конструктивной точки зрения. Автор, анализируя японские сказки, показывает, что в японском фольклоре кроме национальных особенностей есть и типологические общие сюжеты, имеющиеся в фольклорах других народов.

Опорные слова и выражения: японский фольклор, сказки, народные сказки о хитрецах, японские сказки тончибанаси, сказки о состязаниях животных, метод В. Я. Проппа, японская сказка «Блоха и вошь», японская сказка «Барсук и улитка».

Abstract. This article is devoted to the structural review of Japanese fairytales about slyboots. Through the direct analysis of Japanese fairytales, author shows that the Japanese folklore consists of not only traditional features, but includes typologically common plots which folklore of other countries has.

Keywords and expressions: Japanese folklore, fairytale, fairytales about slyboots, Japanese fairytale tonchibanashi, fairytales about animals competition, method of V. Y. Propp, Japanese fairytale “Flea and louse”, Japanese fairytale “Badger and snail”.

Япон эртаклари бошқа халқлар эртаклари каби жанр хусусияти жиҳатидан 1) ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар; 2) сеҳрли эртаклар; 3) саргузаштларга бағишланган (авантюра) эртаклар; 4) маиший эртаклар каби тўртта асосий гуруҳга ажратилади¹. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда беллашув мавзуси кенг тарқалган бўлиб, бу, ўз навбатида, айёрлар тўғрисидаги ва маиший эртаклар – тончибанаши (“топқирлик, зукколик, зийраклик ҳақидаги эртаклар”)нинг ҳам сюжет-композицион тузилишини маълум даражада белгилаб келади. Эртакларнинг мазкур икки тури ўртасида генетик алоқа ҳам кузатилади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар халқ оғзаки ижодининг энг қадимги шакли ҳисобланиб,

яратувчиларнинг анимистик тасаввурлари асосида юзага келган. Аксарият ҳолларда муаллифлар ўз қаҳрамонларининг тавсифи учун нафақат куч ёки заифлик каби табиат томонидан ато этилган белгиларни қўлланганлар, балки уларга оқиллик ёки нодонлик, айёрлик, топқирлик, адолатлилик, олижаноблик каби одамий хусусиятларни ҳам инъом қилганлар. Бу ўринда биз ёрқинроқ ёки унчалик ёрқин ифодаланмаган антропоморфизм ходисаси билан тўқнашамиз.

Маиший эртаклар бошқаларига нисбатан ёшроқ ҳисобланади. Японияда мазкур мавзуга бағишланган эртаклар ривожланган феодализм, яъни шаҳар маданияти шаклланган даврлар (XVII–XVIII асрлар)да юзага келган ва ўз тараққиётининг чўққисига етган. Дехқонлар ва бойлар, самурайлар ва хунармандлар, рухонийлар ва ибодатхона хизматкор-

¹ Краткая литературная энциклопедия: В 7 т. Т. 6. – М., 1971. – С. 880.

лари маиший эртактларнинг асосий қахрамонларига айланди. Бу эртактлардаги беллашув мавзуси энг кўп учрайдиган мавзу ҳисобланади¹. Қуйида композицион тузилиши, қахрамонлар характеристикаси (тавсифи) ва низоли вазиятларнинг ҳал қилиниши жиҳатидан яқин бўлган айёр одамлар ва айёр хайвонлар ҳақидаги эртактларни кўриб чиқсак.

Тончибанаши япон эртактларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда машҳур рус фольклоршуноси В. Я. Пропп томонидан яратилган композицион тузилишнинг тадқиқот методидан фойдаланиш мумкин. Унинг назариясига биноан, эртакт матнлари тадқиқодчиси, биринчи навбатда, муайян бир эртакт қахрамонларига эмас, аксинча, улар бажараётган функцияга таяниши лозим. Модомики, иштироқ этувчи қахрамонлар – ўзгарувчан катталик, улар бажараётган вазифалар эса ўзгармас катталик экан, демак, айнан уларгина эртакт матнлари тузилишининг таҳлили учун асос бўлиб ҳизмат қила олиши мумкин².

В. Я. Пропп методидан фойдаланган ҳолда, *тончибанаши* эртактлари композицион тузилишининг элементларини ажратиб кўрсатишга уриниб кўрамыз.

1. Бошланғич вазият – “А”

В. Я. Пропп фикрича, бошланғич вазият муайян бир функция ҳисобланмаса-да, эртакт композициясидаги асосий элемент ҳисобланади. У ўзида вақт (қадим-қадим замонда), макон (...Суруга мамлакатида, денгиз кирғоғида)га нисбатан ориентир олишни ифодалайди, китобхонни вазият билан хабардор қилиб, иштироқ этаётган қахрамонлар билан таништиради. Баъзида у – “Бир кўзли сигир” (“Осудзунинг отаси дарахт кесувчиси эди. Бир куни у ўрмонда дарахтни кесаётган эди. Дарахт кулаётиб уни босиб қолди ва у ҳалок бўлди. Осудзу ва онаси иккаласи қолишди.

Бекорга айтишмайди, офат келса, бир ўзи келмайди деб... Осудзунинг сигири тик қияликдан сирпаниб кетиб, думалаб тушди ва бир кўзини ўйиб олди”) эртагидагидек, кейинги воқеалар ривожини белгилаб берувчи кичик ҳикоя бўлиши мумкин.

2. Қахрамонларнинг вазифалари – “Б”

Қахрамонларнинг вазифалари турли усуллар билан қўйилиши мумкин: вазифани аниқ бир шахс, одатда, антагонист қўяди. “Йўлбарсни ҳайдаб юбор” эртагида Шёгун хизматкори Иккюга расмда чизилган йўлбарсни боғлаб қўйишни буюради; “Ажойиб дўмбира” эртагида эса, ибодатхона бош руҳонийси хизматкорини чертмаганда ҳам овоз чиқарадиган дўмбирани олиб келишга жўнатади. Вазифа ўз-ўзидан юзага келади ёки бошланғич вазият оқибатида келиб чиқади. “Йўлбарсни ҳайдаб юбор!” эртагида Иккю ўтиш мумкин бўлмаган кўприқдан ўтиши керак, “Бир кўзли сигир” эртагида эса устомон Хикоичи касал сигирни сотиб юбориши лозим.

Қахрамон ўзининг эътиборсизлиги туфайли қийин аҳволга тушиб қолади ва ўз олдига вазифа қўяди. “Устомон ибодатхона хизматкори” эртагида қахрамон антагонист бош руҳонийга аталган ноз-неъматларни еб қўяди ва ўзини оқлаш учун ҳийла ишлатишга мажбур.

3. Вазифаларнинг бажарилиши – “В”

Қахрамон антагонист томонидан таклиф қилинган жумбоқни ечади, муваффақиятли равишда вазифаларнинг уддасидан чиқади, мураккаб вазиятлардан эсон-омон чиқиб олади. Масалан, “Илонбалиқ ови” эртагида қахрамон Киччёму айёрлик билан аҳмоқ самурайни тутиб олган илонбалиқлари Киччёму яшайдиган жойлардан сузиб келганлигига ишонтиради. “Кўрқинчли танга” эртагида доно қария антагонист – бўрсикни бутун дунёда энг кўрқадиган нарсаси танга эканлигига ишонтиришга муваффақ бўлади.

4. Антагонистга қарши вазифа – “Г”

Қахрамон жавоб тариқасида антагонистга қарши вазифа қўяди. Масалан, “Йўлбарсни ҳайдаб юбор” эртагида Иккю Шёгундан яхшилаб шовқин кўтаришини ва тайёрлаб қўйилган қопқонга чизилган йўлбарсни ҳайдаб киргизишни илтимос қилади.

¹ Миваки Тосио. Сакураи Токутаро. Нихон – но тончибанаши (Айёрлар тўғрисидаги эртактлар). – Токио, 1973.

² Пропп В. Я. Морфология сказки. – М., 1969. – С. 23–29.

5. Қахрамоннинг ғалабаси – “Д”

Қахрамоннинг уддабуронлиги, акли ва зийраклиги унга антагонист устидан мутлақ ғалаба қозонишга ёрдам беради. “Йўлбарсни ҳайдаб юбор” эртагида Шёгун қахрамон томонидан қўйилган вазифани бажара олмайди ва Иккюнинг зукколиги олдидаги мағлубиятини тан олади. “Устомон ибодатхона хизматкори” эртагида бош руҳоний унга аталган ноз-неъматларни Будда ҳайкали еб қўйганига ишонишга мажбур бўлади.

6. Антагонистнинг жазоси – “Е”

“Ажойиб дўмбира” эртагида ибодатхона хизматчисига беъмани ва уддасидан чиқиб бўлмайдиган вазифаларни буюрган бош руҳонийни ўзидан-ўзи жарангловчи “ажойиб дўмбирадан” учиб чиққан арилар чақиб ташлайди.

7. Қахрамоннинг мукофотланиши – “Ж”

Қахрамон ўзининг зийраклиги ва уддабуронлиги учун мукофотланади. Мисол учун, “Илонбалиқ ови” эртагида самурайга тегишли ҳудуддан бир саваат тўла илонбалиқ овлашга муваффақ бўлади. “Қандай қилиб Хикоичи каппани тутиб олганлиги ҳақида” номли эртақда Хикоичи ҳукмдордан катта мукофот олади.

8. Хотима – “З”

Хотима бошланғич вазият каби вазифа (функция) деб ҳисобланмайди. Хотимада панд-насихатли хулосанинг бўлмаслиги, одатда уларнинг жуда қисқалиги *тончибанаши* эртақлари якунига хос хусусиятдир: “Хуллас, шунақа гаплар”, “Авлодлари фаровонликда ҳаёт кечирмоқда”, “Ўшандан бери қахрамон бахтли ҳаёт кечирибди” эртақларида “Бир кўзли сиз” эртагидагидек (“Нима ҳам қила олар эди, ахир сизгирни ўзи сотиб олган ва ўзининг хасислигидан жабр торган бўлса) панд-насихат, ўғитни ўзида мужассамлаштирган хотимага нисбатан камроқ дуч келади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Б” функцияси, яъни қахрамон вазифаси ҳикоя қилиш давомида қайтарилишини ҳам кузатишимиз мумкин. Чунки қахрамон олдида кетма-кет бир нечта вазифа қўйилиши ҳолатлари ҳам йўқ

эмас. Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган функциялардан фақатгина “Б” – қахрамонга вазифа, “В” – вазифанинг бажарилиши ва “Д” – қахрамоннинг ғалабасини ўзгармас (доимий) катталиқ деб аташимиз, ўзгармас катталиқлар билан у ёки бу комбинацияда учрайдиган ўзгарувчан ёки факультатив катталиқ туркумига киритишимиз мумкин.

Шундай аснода, *тончибанаши* эртақлари олти фукция ва иккита иккинчи даражали элементлар ажратишиб берилган. Таклиф қилинаётган конструктив элементлар рўйхати тўлиқ бўлмаслиги, фольклор материаллар кўпроқ келтирилган ҳолларда янги функция ва янги элементларни ажратиб кўрсатиш имконияти юзага келиши мумкин.

Барибир, матнларни тадқиқ қилиш *тончибанаши* эртақлари шакллариининг қисқалиги ва функцияларининг камлиги билан ажралиб туради, деган фикрга келишимизга замин яратади. *Тончибанаши* – бу сюжетлари реал кундалиқ ҳаётдан олиниб, оқилона тузилган лавҳалардир. Шу билан бирга, *тончибанаши* эртақлари сеҳрли эртақлардан фарқли ўларок, кўп сонли персонаж ва уларнинг ғаройиб саргузаштлари билан мураккаблаштирилмайди. Мазкур эртақ қахрамонлари деҳқон, хунарманд, хизматчи каби оддий одамларни ташкил этади. Уларнинг антагонистлари сифатида бой феодал, самурай, ер эгаси, ибодатхона бош руҳонийси каби етарли даражада реал образлар зидлантирилади. Тэнгу, узун бурунли ва қанотли махлуқ, каппа, япон сув махлуқлари, одам тусига кира оладиган ҳайвонлар каби афсонавий жонзотлар антагонист ролида камдан-кам қўлланилади. Бироқ, мазкур фантастик персонажлар сеҳрли эртақларда одамларни алдаб, лақиллатиб кетса, *тончибанаши* эртақларида ўринлар алмашиб қолади ва уларнинг ўзи одамларга мағлуб бўлади.

Доимий қахрамонлар доирасига фақат бош қахрамон билан антагонистни киргизиш мумкин. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бош қахрамон мутлақ эзгулик, антагонист эса

ёвузлик тимсоли бўлган сеҳрли эртақлардан фарқли равишда, *тончибанаши* эртақларида бош қаҳрамоннинг “ижобийлиги” антагонистнинг “салбийлиги” каби нисбий тушунчадир. *Тончибанаши* эртақларида яна бир персонаж мавжуд бўлиб, у ақлли ва аҳмоқ ўртасидаги беллашувда ҳакам образига яқинроқ бўлган ролни бажаради. У ўзининг соддалиги ва аҳмоқона хатти-ҳаракати билан бош қаҳрамоннинг ақллилиги ва зийраклигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Мана шундай образга мисол сифатида ўз хизматкори Иккюнинг зийраклиги ва топқирлигига қойил қолган “Йўлбарсни ҳайдаб юбор” эртагидаги бош руҳонийни келтиришимиз мумкин.

Тончибанаши эртақларида сеҳрли эртақлардан фарқли равишда, кўмакчи (рус эртақларида – букри от, бўз бўри, япон эртақларида – одамга айлана оладиган ҳайвонлар) каби персонажлар бўлмайди. Бу ерда биз бош қаҳрамоннинг абстракт, муайян бир шаклда мавжуд бўлмаган кўмакчи билан ўзига хос бирлашишини кузатамиз. Бу кўмакчи қаҳрамоннинг ўз ақли, эпчиллиги, зийраклиги ва зукколигидир. Сеҳрли эртақларда эса қаҳрамоннинг бундай хислатлари ўзидан узоқлашади ва кўмакчи фантастик персонажга айланади. Маиший эртақлар ғаройиботлар дунёсидан реал ҳаётга мурожаат қилади ва қаҳрамон кўмакчини фақат ўзидангина топиши мумкин бўлади, холос.

Тончибанаши эртақлари мумкин қадар реал ҳаётга яқинлаштирилган ва бу аҳамиятли даражада уларнинг ижтимоий ҳаётга йўналтирилганлигини белгилайди. Қаҳрамон – табақачиликнинг паст поғоналарига тегишли халқ вакили бўлса, антагонист – ҳукмрон табақа вакилидир. *Тончибанаши* эртақлари учун бош қаҳрамон қанчалик ижобий ва аксинча, антагонист қанчалик салбийлиги муҳим эмас, муҳими натижадир: ижтимоий жиҳатдан кучсиз қатламнинг кучли қатлам устидан ғалаба қозониши аҳамиятлидир. Шунинг учун мазкур эртақларда бой, шубҳасиз, мағлуб бўлади, фақатгина ақл ва топ-

қирлик билан қуролланган қамбағал эса ғолиб бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳайвонлар тўғрисидаги эртақлар ўзининг тузилиши жиҳатидан *тончибанаши* эртақларига яқин туради. Рус фольклоршунос тадқиқотчиси Г. Л. Пермяков ҳайвонларнинг беллашуви ҳақидаги эртақлар учун ўн иккита таркибий қисмни ажратиб кўрсатади. Уларнинг еттитаси – функция (*тончибанашида* олтитаси), бештаси – композициянинг қолган элементларидир. “Мазкур функциялар қуйидагиларни ташкил этади: рақиб персонажларнинг учрашуви, беллашишга келишиб олиш, курашга тайёргарлик кўриш, курашнинг кечиши, рақиблардан бирининг ғолиб бўлиши, ғолибни мукофотлаш ва мағлубни жазолаш. Композициянинг қолган таркибий қисмлари деб, макон ва замон бўйича ориентир олиш, иштирокчиларнинг тавсифи, беллашувнинг такрорланиши ва этиологик момент”¹. Г. Л. Пермяков ҳайвонлар беллашуви тўғрисидаги эртақлар учун иккита рақиб, рақиблардан бирининг ўринбосари ва ҳакам каби тўртта асосий образни ажтариб кўрсатади. Япон эртақларида охирги иккита образ мавжуд эмас, икки рақиб ўртасидаги баҳс ҳакам ва ўринбосарнинг ёрдамисиз ечимини топади. Мана шундай япон эртақларининг номланишида ҳам, одатда, икки рақиб қаҳрамоннинг исми учрайди. Масалан, “Бурга ва бит”, “Бўрсиқ ва шиллиқ курт”, “Йўлбарс ва тулки”, “Мушук ва қисқичбақа” каби эртақлар шулар жумласидандир.

Пермяков томонидан ҳайвонлар беллашуви тўғрисидаги япон эртақларига таклиф қилинган функциялар рўйхатида, одатда, иккита – курашга таёргарлик кўриш ва мағлубни жазолаш функцияси мавжуд эмас. Бунинг сабаби, рақибларнинг бирортаси ҳам режаларини келишиб олиши керак бўлган ўринбосарга эга эмаслиги, мағлуб мағлубиятининг ўзи унинг учун жазо ҳисобланганлигида бўлса керак. Қуйида ҳайвонлар беллашуви тўғрисидаги иккита япон эртагининг структур таҳлили келтирилади.

¹ Пермяков Г. Л. Проделки хитрецов. – М., 1972. – С. 11–12.

“Бурга ва бит”

<p>Қадим-қадим замонда бурга билан бит бўлган экан.</p> <p>Бир куни улар югуриш бўйича беллашув ўтказишга аҳд қилибди: гуруч даласидан Санно-сама мабудаси олдигача ким биринчи югуриб борар экан.</p> <p>“Пён-пён, пён-пён, бурга тезлик билан сакраб кетибди, бит бўлса унинг ортидан имиллаб борибди: “модзи-модзи”. Бурга мен деярли ғолиб бўлдим дея, озгина дам олиб, мизғиб олиш учун йўлида чойхонада тўхтаб ўтибди.</p> <p>Бу пайтда бит Санно-сама мабудаси олдида биринчи бўлиб етиб борибди ва ғолиб бўлибди.</p> <p>Санно-сама мабудаси эса ҳиммат билан, ғолибга ёзаётган кўлининг учида дам олишига ижозат берибди</p> <p>Шундан бери бит қора рангда экан.</p>	<p>Вақт бўйича ориентир олиш</p> <p>Беллашишга келишиб олиш</p> <p>Курашнинг бориши</p> <p>Икки рақибдан бирининг ғалабаси</p> <p>Ғолибни мукофотлаш</p> <p>Этиологик момент</p>
--	--

Бу эртақда беллашувнинг бўлажак ғолиби ҳеч қандай ҳийлани ишлатмайди, икки рақиб ўртасидаги курашда тўғрилиқ ва мақ-

садга эришишга интилувчанлик, дангасалиқ ва манманлик устидан ғалаба қозонди.

“Бўрсиқ ва шиллиқ қурт”

<p>Бу воқеа қадим-қадим замонда бўлган экан.</p> <p>Бўрсиқ шиллиқ қуртни бирга Исэ ибодатхонасига таъзим қилгани боришга чақирибди.</p> <p>Улар бир неча кун йўлда бўлишибди ва буюк ибодатхонага етиб келганларида, шиллиқ қурт шундай дебди:</p> <p>– Жаноб бўрсиқ, биз намунча имиллама-сак? Сенинг жонингга тегмадими? Буюк ибодатхонагача ким ўзарга беллашмаймизми?!</p> <p>– Майли, қизиқ бўларди, – деб, бўрсиқ рози бўлибди ва югуришга тайёрланибди.</p> <p>Шиллиқ қурт чиғаноғининг четларини очиб, билинтирмаган ҳолда бўрсиқ думининг учига ўрнашиб олибди.</p> <p>Бўрсиқ югурибди.</p> <p>– Қандайдир шиллиқ қуртга ютказиб бўлибман! – дея, бўрсиқ қадамларини тезлаштирибди. Тез орада у ибодатхона эшигига етиб келибди.</p>	<p>Вақт бўйича ориентир олиш</p> <p>Замон бўйича ориентир олиш ва рақиб қаҳрамонларнинг учрашуви</p> <p>Композицияни боғловчи элемент</p> <p>Беллашишга келишиб олиш</p> <p>Курашга тайёргарлик кўриш</p> <p>Рақиблардан бирининг ғолиб бўлиши</p>
---	--

<p>– Мана, мен ғолибман! Бўрсиқ хурсандлигидан думини қоқиб, тошга уриб олибди, – шунда “чик” деган овоз эшитилибди.</p> <p>Бўрсиқ думининг учига жойлашиб олган шиллик курт чиғаноғининг ярми кўчиб кетиб, ерга тушибди.</p> <p>Бироқ шиллик курт оғриққа бардош берган ҳолда, дебди: “Ҳой, жаноб бўрсиқ, сен кечикдинг! Мен аллақачон шу ерда эдим. Кўряпсанми, мен ҳатто дам олиш учун чиғаноғимдан ҳам чиқиб олдим”.</p> <p>Наҳотки, айёр шиллик курт мағлуб бўлганини тан ола олар эди?!</p>	<p style="text-align: center;">Мағлубнинг жазоланиши</p> <p style="text-align: center;">Мағлубнинг расмий ғалабаси</p> <p style="text-align: center;">Расмий ғолибнинг айёрлигини таъкидлаб кўрсатувчи яқунловчи жумла</p>
---	--

Мазкур эртақда кучсиз, айёр ва ўзининг эпчиллигига қаттиқ ишонган шиллик курт кучли ва содда бўрсиқ устидан расмий ғалабани қўлга киритди, амалда эса хийласи учун жазоланди.

Юқорида берилган намуналар ҳайвонлар беллашуви тўғрисидаги япон эртақлари учун адолатнинг ғалаба қозониши мавзуси муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Уларда хийлагар, айёрлар ҳар доим ҳам ғалаба қозонавермайди. Агар беллашув сабабчиси кучсиз, бироқ манман ва айёр бўлса, у мағлуб бўлади (“Бўрсиқ ва шиллик курт”). Ўз кучига ишонган, аҳмоқ ташаббускор ҳам мағлуб бўлади (“Йўлбарс ва тулки”), кучли ва айёр тўғри ва кучсизга енгилди (“Қурбақа ва маймун”). Айёрлик ёрдамида куч эмас, манманлик, мақтанчоқлик ва такаббурлик жазо топади. Бироқ, айёрлик билан тўғри, интилувчан ва мардни енгиб бўлмайди.

Шубҳасиз, кўп умумий композицион ва структур элементларга қарамай, *тончибанаши* ва ҳайвонларнинг беллашуви тўғрисидаги эртақлар ўзида турли хил ғоявий вазифани ифодалайди. Бу ходисани фольклор трансформациясининг намунаси деб ҳисоблаш мумкин. *Тончибанаши* эртақлари – ҳайвонлар беллашуви тўғрисидаги анча қадимги сюжетларнинг трансформацияси, ҳайвон образларининг тегишли мантикий трансформацияга учраган одамлар билан алмашинуви ва ахлоқий-эстетик урғуларнинг қоришмаси натижаси бўлиши мумкин. *Тончибанаши* эртақлари келиб чиқиши бўйича сеҳрли эртақлар (масалан, жаҳлдор қайнота куёвини хотинидан ажратиб юбориш мақсадида, унга мураккаб вазифаларни юклайди) билан узвий боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Генезис билан боғлиқ маз-

кур алоқаларни аниқлаш япон *тончибанаши* эртақларининг бундан кейинги тадқиқоти учун мавзу бўла олиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, япон халқ эртақлари мазкур халқнинг маданий ҳаёти, миллий менталитети, анъаналари ва дунёқарашини ёрқин намоён этувчи маънавий мерос ҳисобланади. Уларда кўтарилаётган ғоя ва мавзуларнинг қизиқ ҳамда турли хил сюжетлар орқали очиб берилиши япон халқ эртақларининг нақадар ранг-баранг эканлигини кўрсатади. Айёрлар тўғрисидаги япон халқ эртақларининг рус фольклоршуноси В. Я. Пропп таклиф қилган метод бўйича бевосита таҳлил қилиниши шуни кўрсатадики, япон фольклори ўзигагина хос хусусиятлардан ташқари, бошқа халқлар фольклорида мавжуд типологик жиҳатдан умумий сюжетларни ҳам мужассамлаштиради. Япон халқ эртақлари тузилиш жиҳатидан бошқа халқ эртақларидан айрим белгилари билан ажралиб турса-да, мутлақо ўхшаш томонларга эга эмас деган хулосага келиш ҳам тўғри эмас. Япон эртақларидаги айнан мана шу ўзига хослик уларни янада изчилроқ тадқиқ қилишни талаб этса, ўхшашликлар ва умумийлик эса япон халқ эртақларини жаҳон фольклори контекстида ўрганиб чиқиш кераклигини яна бир бор исботлайди, десак муболаға бўлмайди.

